



**«Мухаммад хам бир Расул, холос. Ундан олдин хам расуллар ўтган. Агар у ўлса ёки катл килинса, оркангизга кайтасизми?! Ким оркасига кайтса, Аллохга ҳеч қандай зарар келтира олмайди ва Аллох шукр қилувчиларни, албатта, мукофотлайди»** (Оли Имрон, 144-оят).

Ухуд жангида камончилар ўз жойларини тарк этгач, мусулмонларнинг мушриклар қуршовида қолган қисми жуда оғир ҳолатга тушиб қолишди. Шу пайт мушриклардан Ибн Камъа исмли одам зарб билан Набий (алайхиссаломнинг бошларини ёрди ва мушриклар ҳузурига бориб: «Мухаммадни ўлдирдим!» деб қичқирди. Жанг майдонида «Мухаммад ўлибди», «Расулulloх ўлибди» деган гап яшин тезлигида тарқалди. Бу хабарни эшитган мусулмонларда тушқунлик ва заифлик пайдо бўлди. Улар дуч келган томонга тумтарақай қоча бошлашди. Фақат Расулulloх (алайхиссалом)нинг оз сонли кишилар билан собит туришларигина катта фалокатнинг олдини олди. «Расулulloх ўлди» деган хабар мусулмонларни ҳаддан ташқари умидсизлантириб юборди. Хаттоки Умар ибн Хаттоб ва Толха ибн Убайдуллох (розияллоху анхумо) каби улкан саҳобийлар ҳам бу машъум хабардан кейин умидсиз бўлиб, бир гуруҳ муҳожир ва ансорийлар билан биргаликда жангни тўхтатиб, ўтириб қолишди. Ушбу оят мусулмонларнинг бу тасаввурлари нотўғри эканини баён қилиб, уларга ибратли дарс бермоқда: «Мухаммад ҳам бир Расул, холос». Яъни Сизларга йўлбошчи бўлиб юрган Мухаммад (алайхиссалом) ҳам бошқа пайгамбарлар каби бир пайгамбардир, холос.

«Ундан олдин ҳам расуллар ўтган». Мухаммад (алайхиссалом) ҳам ўша ўтган пайгамбарлар силсиласидан бир ҳалқадир. Аллох Ўз динини бандаларига етказиш учун Одам Атодан бўён ҳар замон ва ҳар қавмнинг хусусиятларига қараб улар ичидан пайгамбарлар танлаб, уларга ваҳий юбориб турган. Инсоният тарихи давомида қўплаб пайгамбарлар келиб-кетган.

«Агар у ўлса ёки катл килинса, оркангизга кайтасизми?!» Мухаммаднинг ўлими сизларни Аллохнинг динидан қайтарадими?! Сиз эътиқод қилаётган дин Мухаммаднинг дини эмас-ку, балки Аллохнинг дини-ку! Аллохнинг динига хизмат қилиш учун қанчадан-қанча пайгамбарлар келиб-кетганлар. Исломи дини бир кишининг ҳаётига боғлиқ эмас, балки у киёмат қоим бўлгунча қоладиган диндир. Агар дин бир кишининг, хатто Мухаммад

(алайхиссалом) каби улкан ва комил инсоннинг хаётига боглик бўладиган бўлса, унинг абадийлиги колмас эди. Демак, унинг ўлими хақидаги хабарни эшитганингиздан сўнг тушкунликка тушиб, кочиби колишингиз нотўғридир.

«Ким оркасига кайтса, Аллохга ҳеч қандай зарар келтира олмайди». Хаммангиз кайтиб кетсангиз ҳам, Аллохга ҳеч зарар етмайди. Балки ким оркага кайтса, ўшанинг зарарини ўзи тартади. Ислом дини Аллох таоло томонидан бандаларга берилган улкан неъматдир. Ким бу неъматга эришишда хидоят топса, икки дунёнинг бахтига муяссар бўлади.

«Ва Аллох шукр килувчиларни, албатта, мукофотлайди». Ким Исломнинг улуг неъмат эканини тушуниб етса, шукр килса, яъни Исломни ўзига хаёт йўли килиб олиб, Аллохга бу неъмат учун ҳамду сано айтса, Аллох таоло унга мукофот беради.

Ухуд газотида бўлиб ўтган бу ходиса ва унинг баёни бўлиб келган ушбу оят оркали Аллох таоло мусулмонларни Набий (алайхиссалом)нинг шахсларига ортикча ёпишишдан кайтариб, асосий манбага қарашга одатлантиришни хоҳлаган. Мусулмонлар тўғридан-тўғри Аллохнинг Ўзига мурожаат қилишни ўргансинлар. Улар Аллохнинг олдида ўзларининг масъул эканларини сезсинлар.

Шу билан бирга, бу ходиса ва оят Набий (алайхиссалом)нинг вафотларига тайёргарлик, мусулмонлар бошига бир куни шундай мусибат тушганда довдираб колмасликлари учун сабоқ, дарс эди. Хақиқатан ҳам шундай бўлди. У киши вафот этганларида ҳеч кимнинг ишонгиси келмади. Хатто Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху) қиличларини чиқариб: «Ким «Мухаммад ўлди», деса, бошини узаман!» деб ховлида айланиб юрдилар. Фақат Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху) бу хақиқатни тушуниб етдилар. Бу вақтда у киши шаҳардан ташқарига чиққан эдилар. Хабарни эшитиб, тезда етиб келдилар. Хужраи Саодатга кириб, Пайгамбар (алайхиссалому вассалом)ни ўпдилар-да: «Тириклигингизда ҳам пок эдингиз, ўликлигингизда ҳам поксиз, дедилар. Сўнгра ташқарига чиқиб, баланд овоз билан: «Эй одамлар! Ким Мухаммадга сигинаётган бўлса, Мухаммад вафот этди! Аммо ким Аллохга сигинаётган бўлса, Аллох тирик ва ўлмайди!» дедилар ва ушбу ояти қаримани тиловат қилдилар. Ана ўшандагина мусулмонлар ўзларига келиб, хушёр тортдилар.

**«Мухаммад сизлардан биронта эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллохнинг Расули ва набийларнинг сўннгисидир. Аллох ҳар бир нарсани ўта билувчидир»** (Ахзоб, 40).

Эй одамлар, Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) Зайнабга уйланганлари учун «Мухаммад ўз ўглининг хотинига уйланди», деб бўхтон қилманглар. Чунки «Мухаммад сизлардан биронта эркакнинг отаси бўлган эмас». Жумладан, Зайнабни талок қилган Зайд ибн Хорисанинг ҳам отаси бўлган эмас. Зайднинг отаси Хориса ибн Шурхабийлдир. Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) Зайд талок қилган Зайнабга Аллохнинг амри билан, жоҳилият ҳукмларидан бирини ботил қилиш учун уйландилар. Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам)нинг жоҳилият ҳукми бўйича Зайдни асраб олишлари ҳам Аллох ирода этган хикмат оркали шу одатни йўқ қилиш учун бўлган эди. Зайд ҳеч қачон у Зотга ўгил бўлган эмас. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га ҳеч ким ўгил бўлган эмас. У Зот эса ҳеч кимингизга ота бўлган эмас.

«Лекин Аллохнинг Расули ва набийларнинг сўннгисидир». Лекин Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Аллохнинг ҳамма учун юборган Расулидир. У Зот пайгамбарларнинг сўннгисидир, ундан кейин ҳеч бир пайгамбар келмас.

«Аллох ҳар бир нарсани ўта билувчидир». У ҳамма нарсани ана шу ўта билиши асосида тасарруф қилади. Ушбу масалада ҳам ана шу билими билан тасарруф қилди. Эҳтимол,

Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг ўгил фарзандлари турмагани ҳам хикматлидир. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) Хадича онамиздан Косим, Тоййиб, Тохир исмли ўгиллар кўрганлар, аммо уларнинг ҳаммаси кичиклик пайтларида вафот этган. Мория Кибтиядан Иброхим исмли фарзанд кўрганлар, у эмизикли пайтида вафот этган. Хадича онамиздан тўртта кизлари бўлган: Зайнаб, Рукайя, Умму Кулсум ва Фотима онамиз. Улардан уч нафари Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан олдин дунёдан ўтган. Факат Фотима онамизгина у Зот (соллаллоху алайхи васаллам)дан олти ой кейин вафот этганлар. Пайгамбарларнинг сўнггиси бўлмиш Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га фарзанд бобида мазкур холатнинг жорий килиниши Аллох таолонинг хикматидандир.

Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан сўнг Расул ҳам, Набий ҳам келмаслиги аниқ. Ким бунга хилоф эътикод килса, кофир бўлади. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг сўнгги Пайгамбар эканларининг хабарини берган ушбу ояти каримани тасдиқловчи кўплаб ҳадиси шарифлар ҳам ворид бўлган.

Имом Ахмад ибн Ханбал (рахматуллохи алайхи) Убай ибн Каъбдан, у киши ўз оталаридан ривоят қилган ҳадисда Набий (соллаллоху алайхи васаллам) куйидагиларни айтадилар: «Менинг мисолим шуки, худди бир одам гўзал ва мукамал ховли-жой куриб, ундан биргина гишти кўймай, ўрнини очик қолдирган, одамлар бинони айланиб кўриб, ундан ажабланиб, сўнгра: «Агар мана шу ерга ҳам гишт кўйилганда эди», дейдилар, мен набийлар ичида ўша жойга кўйилган гиштман»; Имом Ахмад ибн Ханбал Ирбоз ибн Сория (розиаллоху анху)дан ривоят қилган ҳадисда Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Албатта, мен Аллохнинг наздида набийларнинг сўнггисидирман», деганлар.

**«Иймон келтирган, солих амалларни қилган ва Мухаммадга нозил қилинган нарсага – холбуки, у Роббларидан келган ҳақдир – иймон келтирганларнинг айбларини беркитади ва ахволларини яхшилайти»** (Мухаммад, 2).

Иймон хақиқий бўлса, эгасини солих амалларга ундайти, шунинг учун ҳам Куръони Каримда кўпинча «иймон»дан кейин «амали солих» зикр этилади. «Иймон келтирган, солих амалларни қилган...»

Аслида, иймоннинг ичида Мухаммад (алайхиссалом)га нозил қилинган Куръони Каримга иймон ҳам бор, лекин бу ерда Куръон Парвардигор томонидан келган ҳақ нарса эканини яна бир бор бўрттириб кўрсатиш учун алоҳида таъкидланяпти.

«...ва Мухаммадга нозил қилинган нарсага – холбуки, у Роббларидан келган ҳақдир...»

Агар улар айб ёки гуноҳ ишларни иймонга келишдан аввал содир этган бўлсалар, иймонга келишнинг ўзи иймондан олдинги барча гуноҳларни ювиб юборади. Иймондан кейин содир этилган бўлса, хақиқий иймон гуноҳкорни тавбага чорлайди. Тавба қилган иймонли бандасининг гуноҳини эса Аллох таоло, албатта, магфират қилади.

«...иймон келтирганларнинг айбларини беркитади ва ахволларини яхшилайти». Аллох таоло иймонли кишиларнинг «ахволларини яхшилайти». Яъни иймонли инсоннинг ҳамма тарафдан кўнгли тўқ бўлади. Бундай инсон хотиржам, калби сокин, тани соғ, ишончи комил, виждони пок, ҳаёти тинч, оиласи саодатли бўлади. Хуллас, Аллох таоло ҳамма жихатдан унинг ахволини яхшилайти. Бу эса улкан бахт бўлиб, бундай бахтга факат иймонли кишиларгина муяссар бўладилар.

**«Мухаммад Аллохнинг Расулидир, у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳмдилдирлар. Уларни рукуъ ва сажда қилган холларида кўрасан. Аллохдан**

**фазл ва розилик тиларлар. Юзларидаги аломатлари сажда асаридир. Уларнинг Тавротдаги ва Инжилдаги мисоллари ана шундайдир. Бу худди уругини ёриб чикиб, кувватланиб, йўгонлашиб, поясида тик туриб, дехконларни ажаблантирган бир экинга ўхшар – улар билан кофирларни газаблантириш учун. Аллох улардан иймон келтирган ва солих амалларни килганларига магфират ва буюк ажрни ваъда килди» (Фатх, 29).**

Бу ояти карима Мухаммад (алайхиссалом)нинг расуллик сифатларини таъкидлаш билан бошланмоқда: «Мухаммад Аллохнинг Расулидир...» Маълумки, мушрик ва кофирлар бу сифатларни инкор килган эдилар. Уларнинг вакили Сухайл ибн Амр, мазкур сура тафсирининг аввалида айтилганидек, Набий (алайхиссалом) сулх матнини имло килаётганларида, матндан «Аллохнинг Расули» деган иборани ўзгартиришларини катъий талаб қилиб туриб олган, «Биз сенинг Аллохнинг Расули эканингни тан олганимизда бу ишларни килмас эдик», деган маънода гап килган эди. Ояти карима мушрикларнинг мана шу кайсарликларига какшаткич зарба бермоқда.

Мўмин-мусулмонларнинг яхши сифатлари кўп, аммо ушбу оятда уларнинг вакиллари бўлмиш сахобаи киромларнинг баъзи сифатлари махсус васф қилинмоқда: «...у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳмдилдирлар». Сахобаи киромларнинг фазллари зохир этиш учун келтирилган ушбу сифат хар бир мўминнинг хам сифати бўлиши лозим. Сахобалар ўзларининг оталари ёки болалари кофирлар сафида бўлса, уларга қарши хам каттиққўл бўлганлар. Аммо ким бўлишидан катъи назар, мусулмонга нисбатан меҳрибон бўлишган.

«Уларни рукуъ ва сажда килган холларида кўрасан». Улар доим рукуъ ва сажда холатида, яъни ибодат холатида бўладилар. Мўмин-мусулмон шахснинг, хоссатан, оятда мадхлари келаётган сахобаи киромларнинг барча ҳаётлари ибодатдан иборатдир. Лекин шундай бўлса хам, оятда банданинг Аллохга энг яқин бўладиган пайти – рукуъ ва сажда пайтининг зикр қилиниши бежиз эмас. Ояти каримадаги тавсифдан улар худди доимо рукуъ ва саждада тургандек тасаввур пайдо бўлади.

«Аллохдан фазл ва розилик тиларлар». Уларнинг асосий сифатларидан бири – хамма ишни Аллохнинг фазли ва розилиги учун қилишлари. Бошқа бирор тараф ёки шахснинг розилиги деб, Аллохнинг розилигини четга сурмайдилар. Шунинг учун фазлу марҳаматни хам фақат ягона Аллохнинг Ўзидан кутадилар.

Яна бир сифатлари: «Юзларидаги аломатлари сажда асаридир». Яъни ибодатнинг асари юзларидан билиниб туради. Бу оддий ҳақиқат бўлиб, ибодатли, пок, такводор инсонларнинг юзларидан иймон нури ёғилиб туришини хар бир мулоҳазали, кўзи очик киши кўра олади.

Пайгамбаримиздан қилинган ривоятлардан бирида: «Кимнинг тунда намози кўпайса, кундузи юзи чиройли бўлади», дейилган. Сахобаи киромлар бу борада хаммага ўрнак бўлишган.

«Уларнинг Тавротдаги ва Инжилдаги мисоллари ана шундайдир». Ушбу ояти каримадан маълум бўладики, сахобаи киромларнинг сифатлари аввалги илохий китоблар – Таврот ва Инжилда хам зикр қилинган. Маълумки, ҳозирда яҳудийларнинг қўлларидаги Таврот Мусо (алайхиссалом)га Аллох таолодан нозил қилинган ҳақиқий Таврот эмас, балки бузилиб, ростидан ёлғони, тўғрисида нотўғриси кўп холатга келган бир китобдир. Инжил ҳақида хам худди шу нарсани айтиш мумкин. Шундай бўлса-да, уламоларимиз бу икки китобнинг ҳозирги нусхаларидан хам мазкур ояти каримани тасдиқловчи матнларни топишган.

Биз ўрганаётган ояти каримада эса хакикий, ҳеч бузилмаган илохий васф келган, у ҳам бўлса: «Бу худди уругини ёриб чикиб, қувватланиб, йўгонлашиб, поясида тик туриб, дехконларни ажаблантирган бир экинга ўхшар...» Ушбу зарбулмасал ила Аллох таоло Исломи динининг бошланиши, ўсиши, улгайишини баён қилмоқда. Чунки Мухаммад (алайхиссалом) ёлғиз ўзлари бошлаган даъватни саҳобаи киромлар қўллаб-қувватлашди ва шу тарзда, худди қобигини ёриб чиққан уруг аста-секин ривожланиб, дехконнинг қўзини қувонтирадиган ўсимликка айлангани сингари, Исломи ҳам Пайгамбаримиз бошчиликларидаги саҳобалар жамиятида ўсиб, қўзни қувонтириб борди.

Лекин бу ҳолат кофирларнинг газабини қўзгатар эди. Шунинг учун ҳам ояти каримада «...улар билан кофирларни газаблантириш учун» деган ибора келди. Ушбу маънодан келиб чиқадики, саҳобалардан газабни қўзиган, уларни беҳурмат қилганлар кофирлар қаторига қўшилар экан.

Оятдаги шунчалик иззат-икром устига, Аллох таоло саҳобаи киромларга яна магфират ва улуг ажрларни ҳам ваъда қилмоқда: «Аллох улардан иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларига магфират ва буюк ажрни ваъда қилди». Албатта, Аллохнинг ваъдаси ҳақ, У Зот Ўз ваъдасига асло хилоф қилмайди. Саҳобалар – улуг инсонлар. Пайгамбаримизнинг суҳбатларини топишдан ҳам улугроқ бахт борми дунёда?! Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон саҳобаи киромларнинг ҳурматларини ўрнига қўйиши лозим. Уларга нисбатан беодоблик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Пайгамбаримиз Мухаммад (алайхиссалом) ҳадиси шарифларидан бирида: «Саҳобаларимни сўкманглар, менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, агар бирортангиз Ухуд тоғидек олтин нафақа қилсангиз ҳам, уларнинг биттасининг бир муддига (огирлик ўлчови) тўғри келмайди», деганлар.

(«Тафсири Хилол»дан).